



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!
Мана шу файзли дамларда Ер юзидаги жами мусулмон уммати қатори қалби шуқуҳга тўлиб турган сиз азизларни – нуроний отахон ва онахонларимизни, қадри ака-ука ва опа-сингилларимизни, навқирон ёшларимизни, йимон-эйтиқодли халқимизни улуғ айём – Қурбон ҳайити билан чин қалбимдан самимий табриқлаб, энг эзгу тилақларимни билдираман.

Ушбу саодатли онларда ҳаммамиз аввало Ийд ал-адо байрамига эл-юртимиз билан биргаликда тинчлик-омонлик ва сихат-саломатликда етказгани учун Яратганга чексиз шукроналар айтишимиз табиийдир.

Барчамизга аёнки, ислом дини, аввало, тинчлик, эзгулик ва инсонийлик динидир.

Муқаддас Қуръони каримнинг юздан ортиқ оятларида тинчликка чақирилган, хусусан, «Бақара» сурасида: «Эй, имон келтирганлар! Ёппасингиз!» – дея марҳамат қилинган.

Ҳозирги гоят мураккаб ва таҳликали замонда тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиш, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ва мустақамлашдек ўткир талаблар юртимизда яшаётган ҳар бир мўмин-мусулмон, ҳар бир инсон учун ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб турибди, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ишонаманки, бу эзгу ва муқаддас вазифа Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқароннинг қалб даъвати ва инсоний бурчига айланиб, мустақиллигимизни мустақамлаш, халқимизнинг тинч, эркин ва фаровон ҳаётини, фарзандларимизнинг ёруғ келажагини

таъминлаш йўлида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Хурматли дўстлар!
Аллоҳ таоло томонидан азиз ва мукаррам қилиб яратилган инсонни, унинг шаъни, қадр-қиммати ва ҳурматини улуғлаш каби муқаддас тушуналари ўзида акс эттирган ушбу байрам юртимизда инсон қадрини юксалтириш, халқимизни ҳаётдан рози қилиш борасида олиб бораётган кенг кўламли ислохларимизнинг маъно-мазмунига ҳар томонлама йўл ва ҳамроҳанг экани билан ҳам, айниқса, эйтиборлидир.

Кейинги йилларда мамлакатимизда миллий-диний қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантиришга ҳар томонлама эйтибор қаратилмоқда. Табаррук зиёратгоҳ ва қадимжолар, кўҳна масжид ва мадрасаларни обод қилиш, буюк аждодларимизнинг бебаҳо маънавий-маърифий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш борасида олиб бораётган ишларимиз халқимиз ва дунё жамоатчилиги томонидан эйтироф этилаётгани барчангизга яхши маълум.

Айниқса, фуқароларимизнинг диний эйтиқод борасидаги ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъминланиб, мўмин-мусулмонларимиз ибодат амалларини эмин-эркин бажармоқдалар.

Бу ҳақда сўз юритганда, икки йиллик коронавирус пандемияси чекловларидан сўнг бу йил 12 минг ватандошимиз муқаддас ҳаж амалларини бажариш имконига эга бўлгани, кейинги 6 ойда 40 мингга яқин юртдошимиз умра зиёратини адо этганини таъкидлаш лозим.

Сўнги йилларда шакланган эзгу анъанамизга мувофиқ, Қурбон ҳайити муносабати билан эълон қилинган дам олиш кунлари юртдошларимизга бу айёмни ўз оиласи ва яқинлари бағрида янада мазмунли ўтказиш, гўзал ва бетакрор юртимиз буйлаб кўнгилли саёҳатларни амалга ошириш учун қулайлик яратади.

Биз табаррук динимиз ва ўлмас қадриятларимиз, ўзаро ҳурмат, меҳр-мурувват, саховат ва ҳамжихатлик, сабрдухуноат ва шукроналик сингари улуғ фазилатларни мустақамлаб келаётган муборак Қурбон ҳайитининг барҳаёт анъаналари асрлар оша инсонларни, турли халқлар ва элатларни бирлаштирувчи беқиёс маънавий куч бўлиб хизмат қилаётганидан фахрланамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, дунёнинг олис ва яқин мамлакатларида яшаётган мусулмон дўст ва биродарларимизни, хорижий ҳамкорларимизни ушбу мўътбар айём билан қўтлаб, уларга бардавом тинчлик, равнақ ва фаровонлик тилаймиз.

Азиз юртдошлар!
Барчангизни муқаддас Қурбон ҳайити байрами билан яна бир бор табриқлайман.

Эл-юртимизнинг бу муборак ойда қилган ибодатлари, эзгу ниятлари ижобат бўлсин!

Аллоҳ таоло гўзал диёригимизни, олижаноб ва бағри-кенг халқимизни ҳаммиша ўз паҳолида асрасин!

Азиз Ватанимизда тинчлик ва барқарорлик ҳаммиша бардавом бўлсин!
Эзгу ишларимиз, интилишларимизда Яратганнинг Ўзи доимо мададкор бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



*Қурбон ҳайитингиз
муборак бўлсин!*

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Бош кенгаши мажлиси бўлиб ўтди

Жорий йилнинг 8 июль кунини Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Бош кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Видеоселектор форматида ўтказилган мажлисда Бош кенгаш аъзолари, Касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосарлари ва аппарати масъул ходимлари, тармоқ касабаси уюшмалари Республика кенгашлари ва Фе-

дерациянинг ҳудудий кенгашлари раислари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, тасарруфдаги ташкилотлар раҳбарлари иштирок этдилар.

Бош кенгаш мажлисини Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов олиб борди.

Унда ташкилий масала кўрилди. Зайнилобиддин Шаҳобидинович Низомиддинов бир овоздан Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раисининг биринчи ўринбосари лавозимига сайланди.



«Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖга қарашли «Истиқлол» болалар оромгоҳи Зомин тоғлари бағрида, энг баҳаво ва ҳушманзара масканда жойлашган. Бу ерда ўқувчиларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар мавжуд. Муҳими, дам олувчилар учун қизиқарли тадбирлар, ноанъанавий ўйин ва мусобақалар тез-тез уюштирилади.

«ИСТИҚЛОЛ»да яйрар болалар

«Шарқ тезюрар» ўйинида ўқувчилар сафарга чиқишади. «Ёш табиатшунослар», «Маънавият ва маърифат», «Ўзбек халқ миллий ўйинлари», «Буюк мутафаккирлар», «Шарқ поэзияси», «Ўзбек халқ эртаклари», «Буюк Ипак йўли» каби 15 та бекатда йўл варақаси тўлдирилиб, ҳар бирида тарбиячилар савол-жавоб ўтказишади.

Масалан, «Буюк мутафаккирлар» бекатида алломаларимиз ҳаёти ва асарлари юзасидан савол-жавоб ўтказилади. «Маънавият ва маърифат» бекатида эса ўқувчиларнинг фикрлаш доирасига баҳо берилди.

Оромгоҳда китобхонлик, ўқувчиларнинг театр ва санъатта меҳрини ошириш мақсадида турли тўғараклар фаолият кўрсатмоқда. Стол тенниси, мини-футбол, шашка-шахмат, баскетбол, волейбол, «Кўвноқ стартлар» йўналишларида мусобақалар ташкил этилиб, ғолиб жамоалар фахрий ёрликлар билан тақдирланмоқда. Болалар ҳаммиша тиббий ҳамшира назоратида.

Оромгоҳимизда 800 нафардан ортиқ ўғил-қиз дам олади. Айни пайтда иккинчи навбатда 240 нафар болажон ҳар бир кунни мазмунли ўтказмоқда, – дейди «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ касабаси уюшмаси кўмитасининг ижтимоий ҳимоя бўйича мутахассиси Феруза Бозорова.



Ёдга муҳрланган ТАЪТИЛ

Оролбўйи болалари Самарқанднинг сўлим гўшаларида ҳордиқ чиқардилар

Шу йилнинг эрта баҳорда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши вакиллари Қорақалпоғистонга сафар қилган эди. Сафар асносида Нукус туманида истиқомат қилаётган бир гуруҳ мактаб ўқувчилари жамоат ташкилоти тасарруфдаги оромгоҳда таътил кунларини ўтказишга таклиф этилганди.

Бундан икки ҳафта муқаддам Оролбўйи болалари азим Самарқандга етиб келишди. Ургут тоғлари этагида жойлашган «Чорчинор» оромгоҳи уларнинг кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришлари учун ҳозирлаб қўйилганди.

– Ун икки кун қандай ўтиб кетганини сезмай ҳам қолдик, – дейди тарбиячи Дилноза Жуманазарова. – Мусаффо тоғ ҳавоси, зилол чашма, шарқироқ сойлардан баҳра олдик. Бу таътил болажонларимиз бир умрга унутмайди. Бетакрор табиат, самимий муносабат, қувончга тўлиб ўтган вақтни ўзлари билан ширин хотира сифатида олиб кетишади.

Оромгоҳ жамоаси бир кун иккинчисига ўхшамаслигига, ҳар бир кун жушқин ўтишига астойдил ҳаракат қилди. Белгиланган дастур асосида ташкил қилинган спорт тадбирлари, китобхонлик ва шеърхонлик баҳслари лапару ўланларга уланди.

– Маданий-маърифий тадбирлар, айниқса, роса ёқди, – дейди нукуслик ўқувчи Алмира Қиёсова. – Бу ерда самарқандлик тенгдошларимиз билан танишдик, дўстлашдик. Таътил поёнидаги маданий тадбир доирасида Тошкентдан ташриф буюрган «Шод» гуруҳи санъаткорлари катта концерт дастури намойиш этди. Энг фаол, интизомли, зукко болалар касабаси уюшмалари томонидан рағбатлантирилди.

– Азиз меҳмонларимизни катта эҳтиром билан қузатдик, – дейди «Чорчинор» оромгоҳи раҳбари Шавкат Туронов. – Айни чоғда дам олишнинг учинчи давраси бошланди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»



Абдусаттор СОДИҚОВ



Андижон вилояти

Қўшма семинар



Тошкент шаҳри

Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерациясининг Малака ошириш институтида «STARS International University» нодавлат олий таълим ташкилоти ҳамда Таълим ва фан ходимлари касоба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши ўртасида ўзаро англашув меморандумини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзаро англашув меморандуми имзоланди

– Таълим ва фан ходимлари касоба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши тизимида 24 та олий таълим муассасасининг бошланғич касоба уюшмаси бор, – деди Абдухалил Раҳмонов. – Ушбу олий таълим муассасаларида хизмат қилаётган ходимлар, таълим олаётган барча ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқдамиз. Уларга қулай меҳнат шароитларини яратиш, меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш масалаларида иш берувчиларнинг муносиб вакиллик органи сифатида фаолият олиб бормоқдамиз. Уйлайманки, ушбу англашув меморандуми янги натижаларга эришишимизда ҳар томонлама қўл келади.

«STARS International University» нодавлат олий таълим муассаси ректори Баҳрам Қурбоновнинг таъкидлашича, мазкур меморандумни имзоландан кўзланган асосий мақсад, аввало, олий ўқув юртининг барча ходимлари ҳамда талабалари ҳуқуқларини таъминлаш,

уларнинг саломатлиги, халқаро таълим стандартлари асосида тайёрланган, юқори касбий билим ва кўникмаларга эга, замонавий ва мукаммал кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда ижодий, ташаббускор ва мустақил қарор қабул қиладиган, стратегик фикрлайдиган ва иқтидорли кадрларнинг янги авлодини шакллантиришдир.

Сўзга чиққанлар бу каби англашув меморандумлари таълим сифатини янги босқичга олиб чиқишга, доимий равишда ходимлар малакасини ошириб боришга, ёшларга ўқув жараёнида ва ундан кейинги даврларда ҳаётда ўз йўлини топишга кўмак берадиган кўплаб самарали лойиҳаларни амалга оширишга асос бўлиб хизмат қилишини таъкидладилар.

Шаҳло АБДУРАҲМОНОВА,
«ISHONCH»



Тадбир

Муҳокама мавзуси – муносиб меҳнат шароити яратиш

Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича Республика уч томонлама комиссиясининг «Меҳнат шароитлари ва муҳофазасини яхшилаш бўйича семинар тренингларни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси»га мувофиқ Андижон вилоятида қўшма семинар ташкил этилди.

Анжуманда уч томонлама ижтимоий шериклар – Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Иш берувчилари Конфедерацияси мутасаддилари томонидан фаолият йўналишлари бўйича тўқимачилик саноти тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда муносиб меҳнат шароитлари яратилиши борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди.

Шунингдек, ушбу йўналишда Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича Республика уч томонлама комиссиясининг ҳамкорлиги ҳусусида фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев қайд этганидек, Вазирлик Маҳкамаси, Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси ва Иш берувчилари Конфедерацияси ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2020-2022 йиллар учун мўлжалланган Бош келишув турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, меҳнат ҳуқуқлари билан биргаликда уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш ва хавфсиз иш ўринларини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Шу билан бирга, жамоа шартномаларига киритилаётган меҳнат муҳофазасига оид меъёрларнинг салмоғи ортиб бормоқда. Хусусан, 2022 йилнинг 1-ярмида жамоа шартномаларига меҳнат муҳофазаси бўйича киритилган чора-тадбирлар сони 2016 йилнинг 1-ярми йиллигидагига нисбатан қарийб 45 фоизга ортди. Жамоа шартномаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича битимларида кўзда тутилган тадбирларни амалга

ошириш учун сарфланган маблағ миқдори эса 2016 йилга нисбатан 1,5 баробарга ортди.

Жорий йилнинг 1-ярми йиллигида Касоба уюшмалари Федерацияси томонидан меҳнат муҳофазасига доир 40 дан ортиқ меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари кўриб чиқилди, тақлифлар берилди ҳамда янги-ларини ишлаб чиқишда иштирок этилди.

Ходимларга қулай ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш берилиши устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш доирасида 240 корхона, ташкилот ва муассаса ўрганилди.

Семинарда «Муносиб меҳнат шароитларини яратиш – иш берувчиларнинг бурчи», «Енгил санноат корхоналарида хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш борасидаги ижтимоий шериклик», «Ижтимоий-меҳнат муносабатларида иш берувчилар манфаати» мавзуларида уч томонлама ижтимоий шериклар вакиллари-нинг маърузалари ҳам тингланди. «KhanTex Group» ва «Dinar Group» масъулияти чекланган жамиятлари кластерлари вакиллари тўқимачилик корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими ҳолати ҳусусидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Савол-жавоблар ва қизғин мунозараларга бой тарзда ўтган семинар якунида ходимлар учун зарур муносиб меҳнат шароитларини яратган 3 та тўқимачилик корхонасига Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича Республика уч томонлама комиссиясининг ташаккурномалари топширилди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари



Кашқадарё вилояти

Тарғибот

МУКАММАЛЛИК САРИ

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги конституциявий қонун лойиҳаси Кашқадарё вилоятидаги меҳнат жамоаларида қизғин муҳокама қилинмоқда. Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, хусусан, касоба уюшма фаоллари ҳам мазкур жараёнда фаол қатнашмоқда. Тарғибот тадбирларида касоба етакчилари томонидан қатор фикр-мулоҳазалар, тақлифлар билдириляпти.



Жумладан, Таълим ва фан ходимлари касоба уюшмаси Нишон тумани кенгаши раиси Баҳодир Жовлиев Конституциянинг давлат рамзлари тўғрисидаги 5-моддасига «Ҳар бир фуқаро Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларини ҳурмат қилиши шарт. Давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик намоийш этиш қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади» жумласини қўшиб қўйишни тақлиф қилди.

Қарши тумани тиббиёт бирлашмаси касобақўм етак-

лат ишларига аралашшига йўл қўйилмайди», деган жумлани қўшиб тақлифини илгари сурди.

Мухтасар айтганда, Конституциямизга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар халқ минбарига муҳокама қилинмоқда, тақлиф ва мулоҳазалар очик-ошкора билдирилмоқда. Бу эса эртанги кунимиз фаровонлиги, ҳаётимизни тартибга соладиган қонунларимизнинг янада пишиқ-мукаммал тарзда ишлаб чиқилишига ўз ҳиссасини қўшажак...

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»



Жиззах вилояти

Саёҳат



Орзулар рўёбга чиқди

Бахмал тумани фаоллари, меҳнат фахрийлари ва ҳурматга сазовор инсонларнинг кўҳна Хоразм вилоятига саёҳати уюштирилди.

Икки кунлик сафар чоғида 50 нафардан зиёд кексалар очик осмон остидаги музей шаҳарлар тарихидан бохабар бўлиб, худуднинг урф-одатлари ва анъаналари билан яқиндан танишишди.

– Салкам 30 йил мобайнида Бахмал туманидаги 1-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишладим, – дейди Зулфия она Абдураҳмонова. – Айни кунда пенсиядаман. Шу пайтагача турмуш, фарзандлар ташвишлари билан андармон бўлиб, саёҳат

қилишга вақт топа олмагандим. Бирон жойга йўл олсам ҳам фақат иш юзасидан борганман. Бугун касоба уюшмаларининг эъзозидан бошим кўкка етди.

Саёҳатчилар билан суҳбат чоғида уларнинг аксарияти тарихий Хоразмда биринчи бор бўлиб турганликларини яширишмади. Зеро, ушбу сафар чоғи уларнинг орзулари рўёбга айланди, десак, асло адашмаган бўлаемиз.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»



Сирдарё вилояти

Гулистон тумани «Мевазор» маҳалласида яшовчи Фазилат Сайфуллаева болалар ва аёллар учун саломатлик маркази очишни анчадан буюн ният қилиб юрарди. Унинг бу орзуси «Аёллар дафтари» тўғрисида амалга ошди. Фазилат ўқув курсида ўқиб, сертификат олганига 10 йилдан ошганига қарамай, етарли шароит бўлмагани учун беморларни уй шароитида қабул қилиб келарди. Бу эса ўзи ва муолажа олувчига кўплаб нуқулайлик келтирарди.

Маҳалла хотин-қизлар фаоли Нурия Мустафоева Фазилат билан суҳбатлашиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш вақти келганини тушунтирди. Тез орада 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиш масаласи ҳал бўлди. Ушбу маблағга хориждан гидрованна қурилмаси харид қилинди. Бунга қўшимча парафин, электрофорез, ортопедик тўшма, копток каби муолажа учун зарур бўлган қурилмалар келтирилди. Шундай қилиб, «Мевазор» маҳалласида туманда ягона бўлган тиббий массаж мажмуаси ташкил этилди.

Фазилат маҳалладаги аёлларни хунарга ўргатиш ва ишга қабул қилишга ваъда берганди. Шундай бўлди, ҳам икки нафар аёлнинг бандлиги таъминланди. Айни вақтда бир кунда 40 нафар болага тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Бори элга яхшилиқ...

– Топаётган даромадим кредит қарзларини тўлашга ҳам, ишимни ривожлантиришга ҳам етмапти, – дейди Фазилат Сайфуллаева. – Яхшилардан, «Аёллар дафтари»ни ташкил қилганлардан миннатдорман.

«Аёллар дафтари» рўйхатига олинди, дардлари ариганлардан яна бири ушбу маҳаллада яшовчи Дилноза Сулаймоновадир.

– Кўз ёши қилгим келмайди, – дейди Дилнозахон. – Чорасиз қолганим йўқ, ёлғиз эмасман. Икки нафар фарзандим бор. Қизалоғимда тузма ногиронлик бўлгани учун доимий парварिश керак. Уйда ўтириб тикаман, нарсас ҳам пишираман. Тайёрлаган ширинликларимни кичик дўконларга топшираман. Яқинда соғлиғимда ўзгариш бўлиб, текширувлардан ўтдим. Мураккаб жарроҳлик амалиётини ўтказишим зарур экан. Шукур, маҳалладагилар ёлғиз қўйишмади. 30 миллион сўмлик муолажа пулларини тўлаб беришди. Пойтахтдаги хусусий клиникада даволандим бўлдим.

Муслима Юсупованинг турмуш ўртоғи вафот этган. 12, 10 ва 5 ёшли фарзандларини едириб-кийдириш деганларидек...

– Доимий ишга эҳтиёжин борлиги дафтарга ёзиб олинди ва маҳалладаги мебель фабрикасига ишга жойлаб қўйишди, – дейди Муслима она. – Мана, 3 ойдирки, «Мевазор» мебеллар фабрикасида меҳнат қиляпман. Бу ерда диванлар учун қоплама тикаман. Ҳаммаси

ўзимга боғлиқ, бошқа жараёнларни ҳам ўзлаштириб олсам, кўпроқ даромад топишим мумкин.

Ҳа, бу қувонччи доимий иш излаган, ниҳоят меҳнатдан кўнгли тўлган инсонлар яхшироқ ҳис қила олади. Юқоридаги аёллар билан Гулистон тумани «Мевазор» маҳалласида ташкил этилган амалий семинар давомида танишидик.

«Аёллар дафтари»ни ташкил этишдаги ижобий ишлар тарғиботида бағишланган тадбирда яна қатор маълумотларга эга бўлдик.

Қайд этилишича, худудда жорий йилги хатлов натижасида 6 та мезон асосида 30 ёшдан ошган 1 минг 460 нафар хотин-қизга ижтимоий ёрдам кўрсатилади. «Мевазор» маҳалласида 45 нафар аёл рўйхатга олинган ва ижтимоий ҳимоя қилиб келинмоқда.

Маҳалла биноси ўтган йили янгидан қуриб фойдаланишга топширилган. Идорада МФЙ раиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчиси ҳамкорликда фаолият олиб бораётир.

Амалий семинар қатнашчиларига ишни тизимли ташкил этиш, дафтар ҳужжатлари билан тўғри ишлаш

«Аёллар дафтари»ни варақлаганда



Озода МАМАДАЛИЕВА,
«ISHONCH»



О, емакхоналар! Қани китобхоналар?

Уйғоқ ўй

Ҳар бир даврнинг ўз қиёфаси, одамларнинг турмуш тарзи бўлар экан. Бир вақтлар ҳамма жон-жаҳди билан китобга тармашган эди. Давраларда китоб ҳақида сўхбат кетар, ҳар ким бу гуруннинг ўртасида бўлишни истар, иложи борида, энг янги китоб ҳақида маълумот бериб, аҳли мажлисининг эътиборини тортишни истарди.

Бозор иқтисодиётига ўтилиши билан қарашлар ва муносабатлар ўзгарди, шекилли, энди сўхбатдошлар бир-бирининг либосига қарайдиган, ким қандай кийинганига сер солиб, макъени баҳолайдиган бўлди. Энди бундайлар наздида китоб, маърифат ҳақида бахslashувчилар чучмал, майдакаш туюла бошлади.

Йиллар ўтди, авлодлар алмашиши давом этди, қарашлар ҳам алмашди. Энди кийим билан бирга, қайси ресторан ёки кафеда овқатланилгани, қандай таомлар истеъмол қилингани бош мавзуга айланган. Шундай қилиб, тарозининг шайини маънавиятдан майшатга оғди.

Бугун шаҳарларимизни беэзаб, ҳаётимизга завқ улашиб турган иморатлар – тўйхоналар ва емакхоналар десак, асло муболага бўлмайди. Ана шу масканларда мижозларнинг шодон қийқириқлари янграйди, дирабо куй-қўшиқлар жаранглайди, инсон барча ташвишларини унутиб, чинакам (аслида, меъда-ичак билан боғлиқ) ҳузур-ҳаловатни ҳис этади. Дунёнинг илғор тажрибаларини юртимизда жорий этишга киришган тадбиркорлар ҳам қандайдир бошқа лойиҳаларни эмас, емакхоналар билан боғлиқ янгиликларни олиб келмоқдалар: томи бир лаҳзада сурилиб очиладиган, шифтидан ёмғир (керак бўлса, қор) ёғадиган, нақшлари олтин суви юритилган шифти зангори, поли муз майдонидек шаффоф емакхоналар ҳеч кимдан кам эмаслигимизни тасдиқлаб турибди гўё.

Ҳа, буларнинг бари, шубҳасиз, ривожланиш аломатлари, уларга эътироз билдириш ўрин-


сиз. Балки маиший ҳаётдаги ана шундай ривожланишлар, умуман, ватандошлар шахсиятидаги улгайиш юксалишига олиб келса, ажаб эмас. Ахир «Одам қўшиқни ҳам қорни билан тинглайди» деган пурмаъно гап ҳам бор-ку!

Аммо бизнинг мулоҳазаларимиз бошқа кутбда.

Кўплар ҳикматли сўзларидан иқтибос келтирадиган ва инсоният тафаккурининг дурдоналарини яратган Жалолиддин Румий ҳазратлари одам жисмини отга, ақлини эса чавандозга менгаган экан. Агар от ширали емишларга ўч бўлса ва чавандоз (ақл; бу ўринда одамнинг маърифати, илми, тафаккури, умуман, маънавий борлигини тушуниш лозим) отни бошқара олмаса, от чавандозни арпа ёки хашак тўлдирилган охурга бошқариб борар экан. Мантиқ ҳам шу-да: отга, яъни ҳайвонга нима керак? Унинг қориндан бошқа нима гами бор?

Бундай ҳикматлар ибрат учун келтирилади. Уни қўлаш ёки қўлоқ тутиш ҳаммининг ўз хоҳиши, кимдир уларни ён-дафтарига кўчириб юради, кимнингдир энсаси қоғиб, латифа сифатида эшитиб қўяқолади. Аммо юқоридаги муқоасада чинакам ҳаёт ҳикмати мужжасам. Инсон вужудида одам ва фаришта тимсоли мужжасам экани бошқа китобларда ҳам таъкидланган. Одам Яратганининг бетимсол ижоди сифатида икки олам асрорини жамлаган: унинг ҳайвонлиги – танаси, вужуди; фаришталиги эса кўзга кўринмас аломатлари, яъни тафаккури, ақли, ҳиссиётлари...

Шундай бўлгач, қайси бутага сув кўп қуйилса,



ўша кўпроқ ривожланганидек, инсон вужудидаги қайси тарафга эътибор кучайса, ўша томон ривож топиши бор гап.

Айни пайтда, катта шаҳарда эмас, чекка қишлоқларда ҳам юртдошларимиз (албатта, имкони борлар) учун қайси емакхонада дам олиш, яъни маиший ҳаётда тан, янаям аниқроғи, қорин эҳтиёжи етакчи бўлиб қолгани аниқ. Ҳозир туманларда ҳам, овқатнинг сарасини билиш ва масофа қанчалигидан қатъи назар, бориб, нафси қондириб келиш урфга айланибди. Ҳатто «элниг зўрлари» нима овқатни қаерда егани билан мусобақалашадиган бўлибди.

Шундай ҳолатда чавандознинг аҳволи қандай кечаётган экан? Чавандоз мудраган, от эса устидаги одами билан охурга тиралиб турибди. От хушнуд, чунки унинг қорни тўқ; чавандоз эса ланж, қанийди кимдир келиб отни жилволаса, уни эгардан ази этиб, бирор оромбахш жойга элиб қўйса; қоринчасини тўқлаб қўйса-ку, отасидек азиз бўлиб қолади. У одамнинг кимлиги муҳим эмас, муҳими – хашак тўла охурдан узоқлашса (бемаза ташвишлардан кутулса) ва жон роҳатини топса, кифоя.

Ошқозон мисли дошқозон (ёки аксинча). Овқат ёймиз – ухлаймиз, ухлаймиз – овқат ей-

миз. Мабодо, бир қавм шу тарзда умргузаронлик қилса, унинг эртаси нима бўлади? Бу ҳақда ўйловчилар, афсуски, кам.

Баланд-баланд қилиб солинган ҳашаматли емакхоналар қаршисидан ўтаётганда манзарани мулоҳаза қиламиз, шунда беихтиёр «Одамнинг ўзлиги қаерда қолди?» деган савол хаёлдан кечади. Бу яралиш қондасига зид эмасми? Ахир

БУГУН ДОРИХОНАЛАРДАН ОДАМ ОЎҒИ УЗИЛМАЙДИ, ОЗИҚ-ОВҚАТ ДЎҚОНЛАРИ ДОИМ ГАВЖУМ, ЕМАКХОНАЛАР, ТЎЙХОНАЛАР... БИРОҚ КУТЎБХОНАЛАРГА КИМ ҚАДАМ ҚЎЯДИ? УМУМАН, БУ МАСКАНЛАР ҚАЕРЛАРГА ҚУВИЛДИ? ЁКИ КИТОБ МАГАЗИНЛАРИДА САВДО ҚАНДАЙ? МАНЗАРАЛАР КИТОБГА МУҲАББАТ ТУРМУШ ТАРЗИДАН НИҲОЯТДА ЙИРОҚЛАШИБ КЕТГАНИНИ ТАСДИҚЛАМОҚДА.

дунёни ўзгартириш, уни борича сақлаб қолиш фақат моддий эҳтиёжларни қондириш ҳисобига бўлмайдиган кундек равшан-ку! Семирган одам ўзини эпловмайди, бошқаларга юк бўлади.

Агар соғлом тафаккур билан вазиятга баҳо бериладиган бўлса, айни дамда китоб ўқилмаётгани ҳақида безовта фикрларнинг тез-тез янграб туриши бежиз эмас. Юртдошларимиз ваҳший ҳайвондан қочгандек маърифатдан узоқлашмоқда. Китобдан йироқлашиб яхшилик аломати ҳисоб-

ланмайди. Ҳолбуки, ҳар ким тан эҳтиёжидан юксалиб, руҳ қанотида парвоз қилсагина, Ҳазрати инсон ўзлигини тўла намоеън эта олади.


Хуллас, базмхона тўйхоналарнинг бошни айлантириб юборадиган қасрларда ўтириб, маърифат масканлари – кутубхоналар аҳволини кўз олдинга келтирилганида кўнгли беҳузур бўлиб кетади. Наҳотки, хом сут эмган банд жами яралиш махлуқотдан фарқланувчи қиёфасини намоеън қиладиган кутубхоналардан бунчалар беэзимаси?! Унта, балки ундан кўп тўйхона курган сармоядор битта китобхона курдимикан?

Бугун дорихоналардан одам оёғи узилмайди, озиқ-овқат дўқонлари доим гавжум, емакхоналар, тўйхоналар... Бироқ кутубхоналарга ким қадам қўяди? Умуман, бу масканлар қаерларга қувилди? Ёки китоб магазинларида савдо қандай? Манзаралар китобга муҳаббат турмуш тарзидан ниҳоятда йироқлашиб кетганини тасдиқламоқда. Қанийди, чарақлаб турган маишатхоналарнинг айвонига жавон қўйилиб, унга китоблар териб қўйилса, кўзи тушган одамнинг эсига КИТОБ тушиб турармиди? Балки чиндан ҳам тўйхоналарда бир бўлмада, ҳатто кириш йўлағида китоб териб қўйишни урф қилиш лозимдир. Ахир ассоциатив-эмоционал қўзғалишлар кўрши тасвири орқали ҳаракатга келади-ку. Тўйхонадан тўйиб келган бобо набирасини тиззасига олиб, ҳеч бўлмаганда расмий китобни томоша қилса ҳам, мурғак қалбда китобга меҳр уйғонади-ку!

Биз шундай қилмасак бўлмайди. Ҳосиласи аниқ кўриниб турибди: бефаросатлик, меҳрсизлик, ҳурматсизлик, қадриятларга беписандлик, турмушга енгилтаклик билан қараш (ажралишларнинг эрмакка айланиб қолгани), ҳатто юмук ҳиссининг етишмаслиги ва бошқа кўнглихирликлар (қай бирини санаймиз?!)

кўпайди. Уларнинг ҳеч бирини алоҳида даволаб бўлмайди, балки барчасини ёппасига даволашга ўтиш лозим. Бу даво эса инсоннинг фаришталик ҳислатини юксалтириш, уни ҳайвондан ажратиб, дунёнинг чинакам хилқатига айлантириш билан амалга оширилади. Мухтасар айтганда, ҳашамдор тўйхоналар ёнида улардан қолишмайдиган кутубхоналар қуриш, бу масканларни аҳоли энг кўп ташриф бурорадиган эшиги мутасил очиқ даргоҳга айлантириш зарур.

Келажагидан умиди бор халқ китоб ўқийди, бизнинг эса, эртанги кундан умидларимиз жуда юксак.



Ҳақим САТТОРИЙ, журналист



Оқтўвнинг нарисиди, Қоратўвнинг берисиди

Мулоҳаза

ОИЛАПАРВАР СОЙКЕЧАРЛИКЛАР

Чор атрофи баланд тоғлар билан ўралган Нурота ва Қўшработ кенгликларининг табиати ўзига хос. Унда йилнинг тўрт фасли жилвакор – баҳори ва кузи сўлим, ёзи жазирама, қиши ўзига яраша қаҳрли. Энг муҳими, бу тоғлар бағрида қаерда булоқ бўлса, аждодаларимиз ўша ерда кўним топиб яшаб қолишган. Улар барпо этган қишлоқлар ҳам булоқлар номи билан аталган: Соёкчар, Қўкбулоқ, Жомбулоқ, Сувлиқ, Бўронбулоқ... Утмишда Қоратов бағридан жилғаланган Ахчобсой суви доимо Соёкчар атрофидан оқиб турган. Тўй-маъракаларга борадиганлар сувнинг саёз жойларидан ўтишган. Ахчобсой кейинчалик қурғоқчилик тўғрисида саёзлашган. Аллазамонлар маҳалли аҳоли ҳозирги Урганчи қишлоғидан Нурота шаҳрига қадр ҳашар йўли билан қориз қазиб, сув келтирган ва деҳқончилик қилган. Бинобарин, ирригация фани ривожланмаган пайтларда ҳам ота-боболаримиз обиҳаётдан самарали фойдаланишни билишган.

Соёкчар қишлоғида узоқ йиллик тарихга эга 14-умумтаълим мактаби бор. Унда 367 ўқувчига 48 нафар ўқитувчи дарс беради. Охириги сафар бу даргоҳга борганимда, Халқаро оила кўни муносабати билан ўтказилаётган тадбир кўздан чиқдим. Бир гуруҳ ўқувчилар «Келинлар кўзголини» спектаклидан парча ижро этишти. Мен улар орасидан келусида иқтидорли адабиёт ва санъат вакиллари етишиб чиқишига ишонч ҳосил қилдим. Чунки Нурота кенгликларидида кўплаб бахши шоирлар яшаб ўтишган.

Ёшлар ўртасида ҳарбий-спорт беллашуви ҳам бўлиб ўтди. Ўқувчилар яккама-якка олишув, ўт устидан сакраш, чўлғаниб турган гиштини синдириш машқларини маҳорат билан бажаришти. Сунгра намунали оилалар вакиллари шеър-қўшиқлар айтиш ва бошқа номинациялар бўйича беллашдилар. Қувончлари, намунали оила вакилларининг барчаси мактаб ўқитувчилари экан. Шундан билдимки, муаллимлар қишлоқда оилапарварлиги, одоб-ахлоқи, юриш-туриши, фарзандлар тарбияси борасида ҳам кўпчиликка намуна. Мусобақаларда Отабой Холдоров, Тур-

диниёз Тоғаев, Нурмурод Маматов, Баҳодир Очилов, Музаффар Урозоқов каби педагоглар фаоллик кўрсатиши ва турли совғалар билан тақдирланишиди.

– Мен Низомий номидаги Тошкент педагогика институтини битиргач, 45 йилдан зиёд ўз иختисослигим бўйича ишладим, – дейди Отабой Холдоров. – Шундан 30 йилни педагогик жамоага раҳбарлик қилиш билан ўтказдим. Бу мактабларни ўша кезлар асосан ҳашар йўли билан курганмиз. Устига-устак, дарсликлар етишмас, куз фаслида пахта теримига ҳам чиқардик. Лекин мен ҳеч қачон кийинчиликлардан нолимадим, доимо муаллимлик шарафли касб эканини унутмаган ҳолда иш юритдим. Худого шукур, собиқ ўқувчиларим ҳозир турли соҳаларда самарали фаолият юритишмоқда. Улар орасида нуфузли олий ўқув юртиларида ёшларга сабоқ бераётганлари ҳам кўп. Чунки, ўзимнинг катта ўғлим Азимжон иқтисод фанлари доктори сифатида Оксфорд университетидида ишламоқда. Қолаверса, охириги пайтлар юртимизда ўқитувчи ва мураббийлар макъени янада юксалтириш чоралари кўрилмақда. Янги авлод ўқитувчилари эса инновацион ва коммуникатив билимларни билишлари, таълим-тарбия ишларини жаҳон андозалари даражасида йўлга қўйиш лаёқатига эга бўлишлари керак...

– Миллий армиямизга эътибор кучайгач, ёшларимиз орасида Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишга ҳавасмандлар кўпайди, – дейди ЧҚТ фани ўқитувчиси Азамат Абдуллаев. – Аммо шу кунга қадрар бу фанга эътибор кам эди. Президентимиз жорий йил 11 майда имзолаган «Халқ таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорда эса «қизил» тоифага кирган умумтаълим мактабларида ватанпарварлик дарсларини замон талабига мос тарзда ўтиш, полигонларда 2 кунлик ҳарбий дала машғулотларини ташкил этиш, ўқувчиларни миллий чавандозлик мактабларига жалб қилиш, ҳарбий қисм вакиллари билан жонли мулоқотлар уюштириш зарурлиги тилга олинди. Натijaда, бу фан қанчалик долзарб ва ҳаётий аҳамиятга эга эканини кенг жамоатчилик жуда яхши англаб етди. Қарорда тилга

олинган масалалар биз муаллимларга ҳам кўтаринки руҳ бағишлади. Давлатимиз раҳбари бошчилигида яқинда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳам соҳани рақамлаштириш, инклюзив таълим, янги авлод дарсликларини яратиш ва бошқа бир қатор долзарб масалалар тилга олинди. Бу талабларга жавоб бериш учун андиликда муаллимлар ҳар кўни, мунтазам равишда ўз устиларида ишлашлари лозим.

СОВУҚБУЛОҚ ҚИШЛОҒИ ҲАҚИДА

Мен анча йиллар бурун бу қишлоққа оддий бир қаламқаш сифатида борганим. Ўшанда шифтидан сув сизиб турган мактаб залида ўқувчи ва ўқитувчиларга газеталар чиққан шеърларимни эдим жунжикиб, ўқиб бергандим. Мендан кейин Россияда таҳсил олган филолог Эргаш Ербеков рус тилида ёддан шеър айтиди. Даврадагилар иккимизнинг чиқишимизни қарсақлар билан олқишлашти.

Ҳолбуки, ўша пайтлар муаллимлар ойлаб маош олмас, турли комиссиялар уларнинг вақтини ўғриллаб, безор қиларди. Боз устига, қишлоқда ҳафталаб электр токи бўлмади. Қисқаси, ўқитувчи ўз устида ишлаши, телевизор кўриши, кечқурун газета ўқиши тўғрисида ҳеч ким қайғурмас эди.

Бугунги Совуқбулоқ анча ўзгарган, халқнинг турмуши фаровонлашапти. Мактаб директори Абдувоҳид Аҳмедовнинг айтишича, 46-умумтаълим мактаби замонавий кўринишда янгидан барпо этилибди. Аммо туман марказидан 70, Навоий шаҳридан 150 километр олида жойлашган бу билим даргоҳида ҳали бартараф этилмаган муаммолар ҳам бор. Масалан, мактабда инглиз тили муаллими етишмаслиги тўғрисида Андижон вилоятининг Олтинқўл туманидан Дилмурод Иброҳимов, Самарқанд вилоятининг Оқдەر туманидан Феруз Холмуҳаммадов келиш, шу фандан дарс ўтишмоқда. Бундан ташқари, мактаб атиги 4 та хонадан иборат, дарслар икки навбатда ўтилади. Спорт машғулотларига мўлжалланган бино йўқ. Мактабнинг эски иморатини таъмирлаш тугалланмай қолиб кетган. Баҳона – маблағ танқислиги ва ҳоқазолар.

Кейинги пайтда оммавий аҳборот воситаларида мактабларга эътибор кучайган, янги ўқувчиларни барпо этилаётгани ҳақида кўп сўз юритилапти. Янги халқ таълими вазири олис туманлардаги мактабларга бораётгани тўғрисида бот-бот эшитиб ва ўқиб турибмиз. Бироқ у киши Ўзбекистоннинг олис, муаммоли қишлоқлари дислокациясини билмайдими ёки маҳаллий ҳокимлар ва туман халқ таълими бўлими бошлиқлари вазири атай намунали мактабларга олиб боришадими?..

Хўш, инсон қадрига тобора кўпроқ эътибор қаратилаётган бугунги кунда Совуқбулоқдаги муаммолар нега узил-кесил ҳал этилмаяпти? Аслида бу юмушлар катта маблағ талаб қилмайдими-ку...

ОМОН ҲАЙИТОВНИНГ ДЕГАНЛАРИ

Совуқбулоқ қишлоғидан чиқиб, ўн чақиримча юрилгач, қўшни Самарқанд вилоятининг Қўшработ тумани Жомбулоқ қишлоғи бошланади. Унинг атрофларида вилоят марказидан 170-185 километр олида жойлашган Мижғон, Бўронбулоқ, Бошмон, Дўлана, Чалғир, Тошбулоқ, Қўқовга, Қорабоғ қишлоқлари мавжуд. Уларда яшайдиган болалар худуддаги замонавий услубда қад ростлаган 21-, 66- ва 84-умумтаълим мактабларида ўқийдилар. «Адолат» социал-демократик партиясининг Қўшработ тумани кенгаши депутати Омон Ҳайитовни эса кўпчилик эл-юрт ғам-ташвиши билан яшайдиган кунончак зўли сифатида яхши танийди. В.Решетов номидаги республика рус тил ва адабиёти институтини битирган бу инсон ўзга йиллар мактабларда дарс берган, турли раҳбарлик лавозимларида ишла-


ган. Ҳозир пенсияда. Мен у кишининг уйида бир неча йиллик босма нашрлар тартиб билан йиғиб қўйилганини кўриб қувондим. Яна бир қанча китоблар чанглари артилиб, тахлоғлик турибди. Мактаб тарихи билан боғлиқ бошқа маълумотлар, марҳум педагог-ўқитувчилар суратларига сақлаб қўйилган.

– Бутур «Обод қишлоқ» дастури доирасида қишлоғимиздаги 3,7 километр йўл асфальтланди, – дейди Омон Ҳайитов. – Замонавий спорт зали барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, мактабга таълим муассасалари фаолият юрота бошлади. Мен ҳам уйимда хусусий болалар боғчаси ташкил этдим. Оила аъзоларимизнинг барчаси зиёли. Турмуш ўртоғим Раъно Ҳайитова рус тили муаллими, ўғлим Жамшид мактаб директори, келимин Махлиё бошланғич таълим бўйича мутахассис. Оилавий боғчамиз эса 25 ўринли. Ҳозир қишлоғимизда яна иккита шунақа муассаса очилган.

Албатта, биз қишлоқ ободлиги ва ривожини учун баҳоли қудрат ҳисса қўйишга шаймиз. Аммо бизга боғлиқ бўлмаган муаммолар ҳам бор. Масалан, бизни Урганчи қишлоғи билан боғлайдиган 14 километрлик ўнқир-чўнқир йўлни асфальтлаш бир неча йилдан буён пайсалга солинмоқда. Ҳолбуки, бу иш амалга ошса, одамларга катта қўлайлик яратилади, аҳолининг турмуш тарзи яхшиланади. Ҳатто олис худудларда ҳам туризмни ривожлантириш масаласи ижобий ечим топади.

Чунки бизнинг қишлоқдан бир неча километр нарида қадимий Жилвордор бобо зиёратгоҳи жойлашган. У ерда сўғал касаллигини даволайдиган тошлар макони бор. Уни бутун Ўзбекистондан излаб келишди ва беморлар шифо топишади. Агар холис таклифларимиз инобатга олиниб, бу тошларнинг шифобахшлик хусусиятларини мутахассислар билан илмий жиҳатдан исботласа, ўша ерда шифохона очиш мумкин. Темирқовуқ ва Жилвордор бобо қишлоқларидаги қадимий ҳайвон ва одамлар суратлари туширилган, шунингдек, муғуллар дёғиримизга бостириб келган даврга оид маълумотлар жамланган тошбитиклар эса тарихчи олимларимиз ўрганишлари лозим бўлган, илм-фан учун янада кўпроқ аниқликлар кашф этишга фойдаси тегадиган манбалар ҳисобланади.

Сўнгсўз ўрнида. Бу менинг Оқтоғ ва Қоратўғ қувонч-ташвишлари ҳақидаги тўрттинчи мақолам. Авваллари аҳоли ночор ва ҳимоясиз қишлоқ муаллимларининг муаммолари тўғрисида ёзсам-да, ёрдан беролмаганим. Бойси – у пайтлар вазият бошқача эди. Бугун эса астойдил ишлаб, бошқаларга ўрнатиб билаётган фидойи устозлар ва мураббийлар миллат қаҳрамонига айланаяпти. Қолаверса, шу йил 11 майда Президентимизнинг «2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Буни буюк маънавий ғалаба дейиш мумкин. Шу бойс бу сафар «Қадин-гизни тик тутинг, зиммангиздаги залворли юкни ҳис этинг, Сизнинг муаммоларингиз, албатта, ижобий ечим топади, азиз устозлар!» дегим келади.



Ўлжабой ҚАРШИЕВ, журналист

Улар – ҳаётимиз шамчиروқлари

Хотира уйғонса – гўзал

Инсон ҳаёти давомида сон-саноксиз одамлар билан учрашади ва танишади. Қай бири билан дўстлашади, қай бири билан ёнма-ён яшайди, бирга ишлайди ёки ҳамкор, ҳамроҳ бўлади. Шу жараёнда аксариятидан қандайдир ўрнатилган олади. Аммо инсонга энг яқини, энг меҳрибони, мудом сўянчиқ бўладигани ва ҳамиша яхшилик қиладигани ота-онаси саналади.

Биз бир оилада ўн икки фарзанд тутилганмиз, шундан икки нафари – Оводон ва Ғулижон исми опаларим ғўдаклигида нобуд бўлишган. Қолганларини воёга етказиш, уйли-жойли қилиб, ҳаётда ўрнини топиб олишларига кўмаклашиш учун ота-онам озмунча заҳмат чекишмаган. Қуйидаги эсдаликларим шулар ҳақида.

қувониб кетдим. Сени тиззасида ўйнатиб ўтирган отангга айтиб ҳам ўтирмай, ҳовлига чиқиб, бостирмадан ўтин ва ўрадан сабзи олиб келдим. Уша оқшом менга совуқ ҳам, уйқусизлик ҳам билингани йўқ», деди.

ЁМҒИР ҚАТТИҚ ЁҚҚАН КЕЧА

1981 йилнинг ноябрь ойи охирилари. Йўлдошбой укам иккаламиз Тошкент давлат медицина институтида ўқир ва ижарага олинган уйда яшардик. Кечаси соат ўн иккилар атрофида эшик тақиллади. Очиб қарасам, ташқарида отам турибди. Устбоши ёмғирда ивиб, ҳўл бўлмаган жойи қолмаган. Яна икки кўлида мевачева тўла тўрхалта.

ЯРИМ ТУНДА ПИШИРИЛГАН ОШ

Мен болалигимда тез-тез касал бўлиб, ота-онамни кўп қўрқитган эканман. Бир гал, ўшанда 3-4 яшар эканман, совуқ киш оқшомида инжиқлик қилиб, палов пишириб беришини сўрабман. У пайтлар газ йўқ. Сабини ташқаридаги ўрадан қазиб олиш керак. Ўтин ёқиб, пахта ёғини доғлашининг ўзи бир машаққат. Шунга қарамай, онам палов пишира бошлади. У тунги соат 2-3 ларда тайёр бўлибди, лекин бу пайтда мен ухлаб қолган эканман.

Катта бўлганимда бу воқеани эшитгач, онамга «Ярим кечаси совуқда қийналиб юрмай, гуруч қайнатиб берсангиз ҳам бўларди-ку», дедим. Онам эса «Э, болам, уша пайтлар сен овқат емай қўйгандинг. Кутилмаганда палов пишириб беришимни сўраганимда беҳад



ОНАМНИНГ БИРИНЧИ СУРАТИ

Эсимда, 1995 йил эди. Урганчда кўп қаватли уйда турардик. Ота-онам меҳмон бўлиб келганида, сал наридаги фотостудияга бориб, бирга суратга тушдик. Эртаси кун тайёр бўлган суратларни олиб келдим. Онам уларни кўриб, ғоят қувонди. «Олтмиш ёшдан ошган бўлсам-да, паспортимдагидан бошқа расмим йўқ эди. Эсдалик учун қилган бу ишинг яхши бўлди, болам!» деди. Кейин суратларга тикилиб, чуқур ўйга толди.

Мен онамни тушундим. У умр бўйи бола тарбияси, уй ишлари, чорва моллари ва паррандалар боқиш, деҳқончилик қилиш билан шуғулланган, эрта тонгдан кун ботгунга қадар меҳнат билан банд бўлган. Ўзига қарашга вақти

бўлмаган, янги кийим кийишни ҳаёлигаям келтирмаган. Кеча эса илк бор фарзанди ва набиралари билан бирга суратга тушди. Демак, «Эрта бир кун дунёдан ўтиб кетсам, зурриётларим мана шу суратларни дам-бадам қўлга олиб, мени эслаб туришади», дея кўнгли хотиржам тортган бўлиши мумкин...

УЛАР ҲАМОН ҲАЁТДЕК

2020 йил кўпчилик қатори бизнинг оиламиз учун ҳам ташвишли келди. Дастлаб турмуш ўртоғим ва қизим коронавирусга чалинди. Улар энди оёққа тура бошлаганида ўзимнинг аҳолим оғирлашди. Узоқ муддат кислородга уланган ҳолда ётдим. Наргиза қизим шифохонада неча тунларни бедор ўтказди. Мен у ҳам касал бўлиб қолма-

син, деб хавотирланардим. Кўп ўтмай, касалликнинг энг оғир босқичи бошланди. Кўзим илиниб, 20-30 дақиқа ухлабман. Шу асно туш кўрибман: аллақандай нарсанинг устига ётиб олганча, қаергадир шитбо билан кетиб бораётирман. Ёмғир ёғиб, қулоғимга шувиллаган овоз эшитилди. Мен бир оёғим билан тепсиниб, «Опа!.. Опа!..» деб қақираман (Хоразмда онани опа дейишади). Бир маҳал отам кўри-ниб, «Жим» дегандай, кўрсаткич бармоғини лаблари устига қўйди. Худди шу пайт ярқ этиб кўзим очилди-ю, оғзимдан ҳаво отилиб чиқди. Қарасам, кислород трубкиси бурнимдан чиқиб кетибди. Бир амаллаб уни идирдим. Кейин ўйлаб ётдим. Ота-онам мен учун ҳамон ҳаётдек. Қийин вазиятларда негадир уларни ўйлайман. Балки тушимга ҳам шунинг учун киргандир...

Ота-онам ҳақида бунга ўхшаш айтар гапларим кўп. Асосийси, улар менинг шамчироғим бўлишган. Ҳаётда нимаки ютукка эришган бўлсам, бу, аввало, уларнинг хизматлари, тарбиялари, ўғитлари самарасидир. Ҳозир иккиси ҳам ёнимда йўқ, лекин уларнинг меҳри тафтини ҳар лаҳзада ҳис этиб тураман. Ҳар кун ота-онам руҳига дуо қиламан. Ўзим ҳам улар каби меҳрибон, жафокаш ота бўлишга интиламан.



Бектурди НОРМЕТОВ, тиббиёт фанлари номзоди

Қадр



Инсон умри узоқ ёки қисқалигига эмас, қандай эзгу савоб амалларни бажарганлигига кўра сарҳис қилинади. Андижон давлат университети фалсафа кафедрасининг 75 ёшли профессори, фалсафа фанлари доктори Тўланбой Ортиқовни ҳам айна донишмандлик фаслида, десак, хато бўлмайди. Ана шу қўтлуғ сана билан олий ўқув юрти ректорати, ходимлар ва талабалар касабга уюшма кўмитаси ҳамда бир гуруҳ шогирдлари фидойи узосни қўтлашди.

Заҳматли меҳнатлар эътирофи

Олим 1992 йилдан буён университетда фаолият кўрсатиб келади. Шу йиллар мобайнида олий таълим масканининг тарбиявий ишлар бўйича ректор ўринбосари, фалсафа кафедраси мудир лавозимида ишлади.

Шунингдек, халқаро фалсафа конгресслари ва қатор халқаро конференцияларда иштирок этган. АҚШ, Ҳиндистон, Австрия, Россия, Қозоғис-

тон, Қирғизистон каби давлатлар илмий журналларида мақолалари нашр этилган.

Фаолияти давомида 4 нафар фан докторига расмий оппонент, 6 нафар фан номзодига маслаҳатчи бўлган.

– Илм-фан равнақи миллатнинг моддий томондан гуллаб-яшнашдан ҳам кўра унинг маънавий-ахлоқий ривожланиши учун кўпроқ керак, – дейди Анваржон ҲАЛИМОВ, «ISHONCH»

димлар ва талабалар касабга уюшма кўмитаси раиси Мирзабахром Ботиров. – Шу маънода профессор Тўланбой аканинг узоқ йиллик меҳнатлари юксак эътирофга лойиқ. Донишмандлик фаслида бўлган устоз биз ёшларга ҳамиша илмга ҳалол хизмат қилишни, тиним билмай изланишни ўқитиб келади.

Анваржон ҲАЛИМОВ, «ISHONCH»

У бугун ёшу қари, шоҳу гадо – ҳаммада бор. Уни ардоқлаб чўнтагимизда олиб юрамиз. Уни ақлли қўл телефонларимизнинг қон томири дейиш мумкин. Нафақат қўл телефони, компьютер, электронромбиль, балки жуда кўп электр анжомлари ўсим ишламайди, космосга учини эса ўсим орзу қилмаса ҳам бўлади. Стратегик аҳамиятга эга бўлган бу маъданинг оти – колтан.

Бир сўз шарҳи


КОЛТАН

нималигини биласизми?

Хар доим ҳам сўзлар эски бўлавермайди, тирик организм сингари сўзлар ҳам туғилиб, ўлиб туради. Колтан ҳам компьютер, қўл телефони сингари яқин ўтмишда пайдо бўлган сўз бўлиб, кимёвий минераллар қоримаси – колумбит-танталитнинг қисқартмасидир. Бундай қисқартмага учрашига сабаб – унинг асосий қазиб олувчилари бўлмиш Африка халқлари уни шундай қисқартириб – колтан деб атай бошлашган ва кейинчалик бу ном бутун дунёга ёйилган. Коррозияга ўта чидамли бу маъдандан кўпгина электр ускуналари учун электролит конденсаторлар тайёрлашда фойдаланилади.

Рус тилида бу маъдан «колумбит-танталит» дейилади, аммо дунёнинг аксарият тилларида «колтан» ишлатилади. Хўш, биз бу сўзни лугатимизга рус тилидан олишимиз керакми ёки турклар, инглизлар, французлар ва ҳоказо дунёнинг тўқсон фоиз аҳолиси сингари «колтан» дейишимиз керакми? Менимча, «колтан»нинг келажаги порлоқ ва лугатимизга, албатта, «колтан» номини киритишимиз керак. Ахир чўнтагимизда кўтариб юрадиган нарсанинг номини ҳам билишимиз керак-да.

Абдувоҳид ҲАЙИТ, филология фанлари номзоди



Кейинги даврда бутун дунё Дастирий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки – IT-Парк асосида ишлашга ўтди. Бундан 3-4 йил муқаддам Ўзбекистонда ҳам IT-Парк учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида хорижий ҳамкорлар иштирокида «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси амалга оширила бошланди.

Аслида IT-Парк Президентимизнинг 2018 йили Ҳиндистонга давлат ташрифи чоғи эришилган келишув асосида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ҳиндистоннинг Электроника ва ахборот технологиялари вазирлиги қoшидаги Дастирий технологиялар парклари жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилган ҳамда бу ҳақда 2019 йил 10 январда ҳукуратимиз қарори қабул қилинган эди.

Ундан қўзланган асосий мақсад ва вазифалардан бири ахборот технологиялари соҳасидаги бошланғич ва кичик корхоналарга стартап лойиҳаларни амалга оширишда венчур молиялаштириш асосида кўмаклашишдир. Ҳозир бу ерда ахборот, молия технологиялари, логистика, электрон тижорат, электрон таълим, биотехнология ва бошқа йўналишлардаги лойиҳалар амалиётга муваффақиятли татбиқ этилмоқда. Масалан, АҚШдаги транспорт корхоналарига логистика ҳамда кафе ва пиццерияларга аутсорсинг бўйича технологик хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

Технопаркда тўртта йўналиш – резидентлар билан ишлаш, IT-Академия, венчур молиялаштириш ҳамда инкубация ва акселерация дастурларини ривожлантириш лойиҳалари бўйича иш олиб борилмоқда.

IT-Парк ҳудудини кенгайтириш ва янги инфратузилма объектлари қурилиши бўйича концепция ишлаб чиқилган. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида унинг ҳудудий филиаллари очилган.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан Бирлашган Араб Амирликларининг «Дубай келажак жамғармаси» ўртасидаги келишувга биноан, мамлакатимизда «Бир миллион ўзбек

дастурчилари» лойиҳаси ишга туширилди. У АҚШнинг «Yudasisi» онлайн ўқув платформасида, 4 та дастурлаш йўналишида олиб борилди. Булар андроид, маълумотлар таҳлили, фулстек ва фронтенд курслари бўлиб, уларда, ёшдан қатъи назар, барча иштирок этиши мумкин.

Келинг, энди ўйлаб кўрайлик, «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси бизга нима беради?

Биринчидан, бу – шунча иш ўрни, ишсизликнинг камайиши, аҳоли турмуш тарзининг яхшиланиши дегани. Ушбу эзгу ғоя замирида мисли кўрилмаган тараққиёт турибди. Негаки, дастурчи ўз замонасининг энг илғор тадбиркори, ижодкор инсон. Дастурчилик эса иш ўринлари кўпайиши, ишлаб чиқариш ривожланиши, даромад, валюта оқими ва инвестиция деганидир.

Зеро, инсонияту давлатлар ривожий моддиятага бориб тақалади. Аҳолининг турмуш фаровонлиги яхшиланиши юрт тараққиётини англайди. Худудлар ривожланса, ишсизликнинг томирига болта урилади, ҳамма меҳнат билан банд бўлади. Ҳар бир хонадон соҳиби оиласини моддий жиҳатдан таъминлайди. Бу ўз-ўзидан кайфиятга ижобий таъсир кўрсатади. Муаммолар камаяди. Пули бор оила фарзанди келажакка инвестиция киритади.

Шу заил янги-янги ғоялар туғилади, тафаккур кенгайди. Пировадиди, Учинчи Ренессанс пойдевори тамам тоши қўйилди. Ўзбекистонда янгиликлар кўпайди. Қайсидир ўзбек олими кашф этган ихтирога дунё ҳамжамияти тан беради. Яна қай биримиз энг экспортбop маҳсулот яратамиз. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ўзгаришларга гувоҳ бўлаверамиз.

Модомики, шундай экан, биз «Қадамнинг кутлуғ келсин, IT-Парк!» деймиз.

Зикрилла МАМАТОВ



«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalari таҳрир хайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ (таҳрир хайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Кутлимурот СОБИРОВ, Суҳроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулло ПИРИМУҚЛОВ, Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА, Анвар ҚУЙМУРОДОВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),

Меҳридин ШУКУРОВ (Маъсул котиб – «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Маъсул котиб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69 Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89 Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43 Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги англиклар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22 Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23 Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24 Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34 Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02 Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28 Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26 Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55 Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32 Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24 Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01 Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир: А. Ҳайдаров

Мусаҳҳач: Д. Равшанова

Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 23:40
Топширилди – 23:50

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Г-706 31641 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтаининг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130